Тошкент ҳақиқати

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

1992 йил 28 ноябрь • шанба

№ 164 (10.413). Баҳоси 3 сўм.

ДОНО ДЎСТ АХТАРАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЭРОНГА ТАШРИФИ ЯКУНЛАНДИ

● Мустақил Ўзбекистонимизнинг халқаро миқёсда кун сайин нуфузи ортиб, жаҳон мамлакатлари билан бордикелдилар, турли соҳадаги ҳамкорликлар силсиласида янги-янги саҳифалар очилмоқда.

Куни кеча — ноябрнинг 24—25-саналарида— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф мақомида Эрон Ислом Жумҳуриятида бўлиб қайтди.

Сафарда у кишига Ўзбекистон Олий Кенгаши ноиблари, республика ташқи ишлар вазири, вилоят ва шаҳарларнинг ҳокимлари, хорижий иқтисодий алоқа, банк, савдо идораларининг раҳбарлари, дин арбоблари ҳамда жамоат ташкилотлари вакилларидан бир гуруҳи ҳамроҳлик қилди.

Атиги икки кун давом этган мазкур сафарнинг барча тафсилотлари тўғрисида сўзламоқ иложи йўқ, албатта. Ҳар дақиқаси Ватан манфаатларига йўналтирилган, иншооллоҳ, Ўзбекистон билан Эрон дўстлиги, ҳамкорлигининг умидбахш муқаддимаси бўлғуси бу кунлар хусусида ҳали кўп гапирилар, кўп ёзилар.

Қадимий ва афсонавий Теҳрон заминига хайрли тонг билан кириб борган мамлакатимиз раҳбарини Эрон Ислом Жумҳуриятининг Президенти Али Акбар Ҳошимий-Рафсанжоний жаноби олийлари пойтахт худудидаги «Меҳробод» халқаро тайёрагоҳида самимий эҳтиром билан кутиб олди. Олий мартабали меҳмонга муносиб рисоладаги жами илтифот бажо этилди. Бу — икки давлат раҳбарининг Ашгабат учрашувидан кейинги дийдорлашуви бўлиб, мазкур ташриф узоқ кутилгани сезилиб турарди.

Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти девонидаги хос меҳмонхонада икки раҳбар ўртасида кечган яккамаякка суҳбатдан сўнг расмий мажлислар толорида кенгайтирилган тартибда музокаралар бошланди. Унда Эрон томонидан хорижий ишлар вазири, маданият ва ислом таълимоти вазири, савдо вазири, нақлиёт ва юк ташиш вазири, марказий банк раиси, шунингдек, бошқа ҳукумат аъзолари иштирок этди. Зикр этилган соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш шартлари хусусида сўз борди.


Ўша куни тушдан кейин Теҳроннинг тоғ этагида ястанган сафоли Саадобод боғи ҳудудидаги Президентимизга ажратилган махсус қароргоҳда иккита учрашув бўлди.

(Давоми 2-бетда).

АРАБ МАҒРИБИДА БИРИНЧИ

26 ноябрь куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида «Ўзбекистон Республикаси ва Тунис Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида» протокол имзоланди. Тунис Республикаси Тошкентда ўз ваколатхонасини очишга аҳд қилган дунё мамлакатлари силсиласида олтмиш биринчи ва Араб мағриби ўлкалари орасида биринчи давлатдир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтиришга йўл очувчи ушбу ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Убайдулла Абдураззоқов ва Тунис Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг давлат котиби, ҳукумат аъзоси Саид бин Мустафо имзо чекдилар. **(ЎзА)**



ТЕЗКОР ПАХТА ШТАБИ

33-40-48
33-48-08
33-50-18
33-05-22

● *Режани бажарганларни қутлаймиз!* ●

ТАДБИРКОРЛИК ТУФАЙЛИ

ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИДАГИ «ТИНЧЛИК» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ ПАХТАКОРЛАРИ ҲАМ РЕЖАНИ БАЖАРДИЛАР

Бу йил чиндан ҳам деҳқонларга, пахтакорларга қийин бўлди. Лекин хўжалик раҳбарлари, мутахассислари тадбиркор, ишбилармон бўлган жамоаларда бу қийинчиликларни енгиш анча осон кечди.

Янгийўлдаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги ҳақида ҳам худди шундай гапларни айтиш мумкин. Хўжаликка узоқ йиллардан буён таниқли пахта устаси, жамоа хўжалиги ишлаб чиқариши ташкилотчиси ва фахрийси, Меҳнат қаҳрамони Маҳмуд Исматов етакчилик қилади.

У бошлиқ пахтакорлар бу йил ҳам элга берган ваъдаларининг уддасидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилдилар. 1150 гектар майдонда ҳосил етиштирдилар. Эрта баҳордан бошлаб то кеч кузгача бўлган ишларга ранс бош-қош бўлди. Одамларнинг руҳини кўтарди, ўзининг оқилона маслаҳатлари билан ҳар бир тадбирнинг пишиқ-пухта бажарилишига ёрдам берди, пахтакорларнинг оғир дамларда руҳини кўтарди. Шу туфайли ҳам хўжаликда йиғим-терим муваффақиятли якунланди. Ҳар гектаридан 24 центнердан ошириб ҳосил олинди. Ялпи хирмон 2760 тоннадан ортиб кетди.

Эркин Сайдивалиев, Раҳмат Аҳмедов бошлиқ звенолар ҳосилдорликда энг юқори кўрсаткичларга эришдилар. Хўжаликнинг Асхўжа Рихсиев, Абдусаттор Камолов сингари ўртоқлар бошлиқ бригадаларида эса 214—233 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан ошириб хирмон кўтарилди.

Теримда машиналардан ҳам унумли фойдаланиш тадбирлари кўрилди. Абдуҳаким Исоқжонов, Абдумухтор Отақўзиев, Абдурашид Умаров сингари механик-ҳайдовчилар 110—120 тоннадан пахта териб бердилар.

Айни кунларда далада қолган сўнгги ҳосилни ҳам йиғиб-териб олиш билан бирга кузги-қишки ишлар ҳам бошлаб юборилди.

ВИЛОЯТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 27 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машинада бир кунда терилган пахта, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Оққўрғон	**0,20**	100,22	0,03	82,34
Бўка	**0,09**	100,10	—	90,22
Бекобод	0,35	98,49	—	69,46
Ўртачирчиқ	0,51	97,74	0,24	73,07
Чиноз	0,30	95,10	0,27	97,96
Юқоричирчиқ	0,25	92,09	0,03	85,03
Қуйичирчиқ	0,26	90,40	0,01	82,79
Пискент	0,31	88,92	—	44,00
Янгийўл	0,35	88,34	0,12	56,73
Вилоят бўйича	0,28	95,51	0,06	76,05

МАНФААТ БОР ЖОЙДА УНУМ БОР

ҲАР бир юртнинг ўз бойликлари бўлади. Ўзбек элининг бойликларидан бири пахтадир. Буни яхши англаб етган пахтакорлар кузнинг ҳар бир тафтли дақиқасидан унумли фойдаландилар. Биз яқинда Янгийўл районидаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги далаларида бўлиб, бунга амин бўлдик.

— Жамоамиздаги ҳар бир бўлинмада пахта тайёрлаш ишлари жадал олиб борилди,— деди жамоа бош иқтисодчиси Неъмат ака Ҳожиев биз билан суҳбатда.— Бу борада Абдусаттор Камолов раҳбарлик қилаётган бўлинма пахтакорлари бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Биз далаларда бўлиб бош иқтисодчининг гаплари тўғри. эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Абдусаттор Камолов эришилаётган муваффақиятлар ҳақида сўзлаб берди.

— Бу йил 233 гектар ерда пахта етиштирилди. Ғўзалар машинабоп қилиб ўстирилди. Барг тўкиш ишлари ўз вақтида амалга оширилди. Айниқса, пахта чеканкасининг қўлда қилинганлиги ижобий натижасини берди. Йиллик режамиз бўйича давлатга 568 тонна пахта топширишимиз керак эди. Марра эгалланди. Дастлабки довондан ошишда қуйидаги омиллар катта ёрдам берди. Жумладан, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳозирги усули, рағбатлантириш

(Давоми 2-бетда).





● Бу лавҳалар йиғим-терим айни қизғин паллада олинган. СУРАТЛАРДА: (чапдан) Янгийўл районидаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги илғор бригада етакчиси А. Камолов, хирмончи М. Улуғов ва ҳисобчи Ш. Эрматовлар; кўл терими пайти.

Солиҳ ЗОИР олган суратлар.

ДОНО ДЎСТ АХТАРАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Эрон банк бошқарувчилари ҳамда молия, кредит ходимлари ва Эрон савдо уйи раҳбарлари ҳамда ишбилармонлар билан бўлган бу сермазмун суҳбатларда ўзаро иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқалари, банк тизимига доир тажрибалар, дунё банклари билан, жумладан, халқаро валюта жамғармаси билан муносабат, мазкур ташкилот тавсияларининг мусбат ва манфий жиҳатлари хусусида фикр алмашилди. Барча давлатларга тақдим этилган моҳиятан бир хил бу тавсияларни муайян шароитга мослаб, босқичма-босқич амалга ошириш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, иқтисодиётда четдан сармоя олиб келишнинг аҳамияти, бу ишнинг қонуний кафолатлари, жаҳон бозорига мол чиқариш, миллий пул муаммоси, хусусийлаштириш каби масалалар ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Эрон савдо уйи раҳбарлари ва ишбилармонлар билан суҳбатда Президент Ислом Каримов уларни Ўзбекистонга даъват этиб, «Биз тижоратчи савдо аҳлини халқлар ўртасида муносабат ўрнатувчи тоифа деб биламиз. Демак, мана шу учрашувда қатнашаётган бизнесменларни бўлажак элчиларимиз десак бўлади», дея лутф қилди. Сўнг уларга республикамизнинг иқтисодий имкониятлари ҳақида мухтасар маълумот бериб, ўзаро катта-катта савдо кўргазмаларини уюштириш айни муддао бўлажагини таъкидлади. «Албатта, сизларнинг Америка, Япония каби мамлакатлар билан савдо алоқаларингиз яхши, у ёқлардан келадиган молнинг сифати зўр. Лекин Ўзбекистонда шундай моллар борки, унақасини бошқа жойдан тополмайсиз».

Бу суҳбатлар мўлжалдагидан узоқ давом этди. Негаки, ўртага қўйилган масалалар иқтисодий ҳаётнинг туб моҳиятига боғлиқ эди. Меҳмон давлат раҳбарининг одатдаги сипо гурунгдан воз кечиб, дадил-дангал айтган фикрларига, муҳокама этилаётган молия, иқтисодиётга доир масалаларни миридан-сиригача таҳлил қила олишига шу соҳанинг пириман деб юрган мезбонлар тан берган бўлсалар керак.

Ўша оқшом иккала давлат бошлиғи яна учрашиб, суҳбатлашдилар. Саадобод боғининг махсус толорида олий мартабали меҳмон — Ислом Каримов жаноби олийлари шарафига зиёфат берилди.

Эртаси куни Ислом Каримов эҳтиром юзасидан Эрон Ислом Жумҳуриятининг раҳнамоси, оятулло Саййид Али Хоманеи қароргоҳига ташриф этди ва улар ўртасида суҳбат бўлди.

Шундан сўнг Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти девонида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими ўтказилди. Бир талай ҳужжат имзоланди. Ўзаро муносабатларни ривожлантириш тўғрисидаги баённома, савдо-сотиқ ва иқтисодиёт, алоқа, телекоммуникация ва ҳаво транспорти, маданият ва сайёҳлик борасидаги ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Чошгоҳ чоғи Ўзбекистон Президенти бошлиқ республика вакиллар гуруҳи Эрон маданиятининг қадимий ўчоқларидан ҳисобланган Исфаҳон шаҳрига қараб йўл олди. Олийшаън меҳмонни «Меҳробод» тайёрагоҳида Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний ва бошқа ҳукумат раҳбарлари кузатиб қолдилар.

Исфаҳонда илиқ пешвоз олинган меҳмонлар Ўзбекистон Президенти шарафига берилган зиёфатдан сўнг шаҳарнинг тарихий обидалари билан танишдилар. Шоҳ Аббос даврида қурилган Чиҳелстун сингари улкан, ҳашаматли саройларни, Имом Ҳумайний майдонидаги масжиду мадрасаларни, кўзни қамаштиргучи мисгарлик, заргарлик, кандакорлик дўконларини томоша қилдилар.

350 километрга чўзилган Исфаҳоннинг марказидан ўтадиган Зоянедруд дарёси устидаги кўприклардан бирида жойлашган антиқа чойхонада бўлган мухтасар суҳбат меҳмонлар хотирасидан сира унутилмас.

...Юртимиз мустақил бўлганидан буён ўтган бир йилдан ортиқроқ муддат мобайнида Президентимиз бошлиқ давлат вакиллар гуруҳлари дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатида бўлди, ўзаро дўстлик, ҳамкорлик алоқалари боғланди. Эрон Ислом Жумҳуриятига ташриф — шу сирага мансуб навбатдаги, ўн иккинчи сафар. Уни қисқа муддатли, аммо унумли, ўзаро самарадор бўлди, дейиш мумкин.

Доно — дўст ахтаради. Дўст ахтарган—топғуси.

(ЎзА мухбири).

МАНФААТ БОР ЖОЙДА УНУМ БОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги, колхозчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилиши яхши натижа берди. Манфаат бор жойда унум бор, деб шуни айтсалар керак-да.

Биз кичик жамоа бошлиқлари Эркин Сайдивалиев ва Абдурашид Умаровлар билан ҳам кенг пахтазор қўйнида учрашдик.

— Ота касбини давом эттириб, қарийб ўн йилдан буён пахта далаларида меҳнат қиламан,— дейди Эркин Сайдивалиев,— звенони бошқараётганимда эса олти йил бўлди. Ҳар йили эллик гектар майдонга яхши ният билан барака уруғи қадаймиз. Бу йил ҳам ҳар гектар жойдан 25 центнердан ҳосил кўтаришни режалаштирган эдик. Режамиз амалга ошди. Ўзим 100 тоннадан ошириб пахта тердим.

Суҳбатимиз иш пайтига тўғри келганлиги учун ҳам Эркин акани кўп саволга тутмадик. Эркин ака суҳбат чоғида қатор орасида турган машинасига тез-тез қараб қўярди. Унинг вақтдан қизғанаётганлиги сезилиб турарди. Билагида кучқувват жўш уриб турган ширинсухан бу йигит биз билан хайрлашар экан, машинасига сақраб чиқди-да, қатор оралаб ҳайдаб кетди.

— Кўрдингизми,— дейди бригадир Абдусаттор Камолов суҳбатни давом эттириб,— пахтакорларимиз орасида ана шундай забардаст йигитлар кўп. Қилган меҳнатига яраша ҳақ тўласангиз бас, ҳар қандай ишни уддалайди.

Пахта далаларидан қайтар эканмиз, тинчликлик пахтакорларнинг мардлар майдони бўлмиш пайкалларда жасорат кўрсатиб меҳнат қилганликларига ишонч ҳосил қилдик.

Бахтиёр ХУДОЙБЕРДИЕВ.

28 ЦЕНТНЕРДАН ОШДИ

Қуйичирчиқда яна бир хўжалик маррага етиб келди: «Заря коммунизма» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиб, шу кунга қадар ҳар гектаридан 28,2 центнердан хирмон кўтардилар. Давлатга топширилган ялпи ҳосил 3036 тоннадан ортди.

Айрим бригадалар, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бу ўринда Нам Анатолий ва Ким Леонид ўртоқлар бошлиқ жамоалар эришган ютуқларни алоҳида таъкидлаш керак. Ҳар икки бригада режасини анча ошириб бажарди. Ҳосилдорликда бошқа жамоаларга қараганда илгарилаб кетди. Шунингдек Ким Петр, Хўжабек Култебоев ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам бу йилги қийин шароитда етиштирилган мўл ҳосилларини нес-нобуд қилмасдан, вақтида йиғиб-териб олишга ва давлатга топширишга муваффақ бўлдилар. Режаларини ортиғи билан ўринладилар.

Н. РАФИҚОВ.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгашида ушбу партия раҳбарияти билан республика соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ўртасида мулоқот бўлиб ўтди. Албатта, ХДП раҳбарлари ва фаоллари оқ халат кийган кишилар— саломатлигимиз посбонлари билан уларнинг хизмат жойларида, яъни поликлиника ва касалхоналарда, санаторий ва дорихоналарда, қолаверса, уларга ёрдам сўраб (иссиқ жонда!) мурожаат қилганда мунтазам учрашадилар, улар билан яккамаяккка ёки жамоа тариқасида мулоқот қиладилар.

Лекин бу галги, партия Марказий Кенгаши қароргоҳида ўтган учрашув бошқача аҳамият касб этди. Чунки, биринчидан, унинг таркиби бошқача эди. Соғлиқни сақлаш вазиридан тиббиёт олий билимгоҳи талабасигача — мазкур тизимнинг турли вакиллари бир жойда камдан-кам йиғилсалар керак. Бу ерда худди шундай бўлди. Иккинчидан, мулоқот иштирокчиларига таклиф этилган «Тиббиётимизнинг аҳволи ва истиқболлари» мавзуси шундай мажлисда ҳеч қачон муҳокама этилмаган.

ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Маҳмуджон Расулов ўзининг кириш сўзида республикамиз етакчи сиёсий ташкилотининг фаолияти тўғрисида гапириб, аҳоли соғлиғи масалалари билан шуғулланиш, халқимизнинг соғлом бўлишини таъминлаш партиямизнинг муҳим дастурий мақсадларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

Соғлом танда — соғлом ақл, деб бежиз айтилмаган. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизни, иқтисодий, ижтимоий, маънавий инқироздан қутқариш, унинг тараққий этган давлатлар қаторидан жой олишини, фуқароларимизнинг муносиб турмуш тарзини таъминлаш — бу вазифаларнинг биронтасини ҳам халқнинг саломатлигисиз амалга ошириш мумкин эмас.

Бунинг устига бутун жамият ҳозиргидек оғир аҳволга тушиб қолган бўлса, саломатлик посбонларининг масъулияти янада ошади. Агар ҳозирги пайтда шифокорларнинг ҳам қон босимлари дам пасайиб, дам кўтарилиб тураётганлигини ҳисобга олсак, бу касб эгалари алоҳида эътиборга муҳтож эканлигини тан олишимиз ва шунга муносиб ҳаракат қилишимиз даркор.

Учрашувда сўзга чиққан республика соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, вазир муовини, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Қ. Ризаев, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи М. Бекназова, республика соғлиқни сақлаш музейи директори А. Усмонхўжаев, Тошкент врачлар малакасини ошириш олий билимгоҳи ректори А. Раҳимжонов, 1-Тошкент тиббий олий билимгоҳи ректори Т. Даминов, Тошкент шаҳар тиббий тез ёрдам касалхонасининг бўлим бошлиғи М. Қосимова, Юнусобод район ҳудудий тиббий бирлашма бош шифокори М. Шахобова, Тошкент вилояти болалар шифохонасининг шифокори, Л. Савенкова, республика «Фармация» бирлашмаси бош директори Х. Давлатов, Тошкент шаҳар 1-касалхонасининг бош шифокори М. Қодиров, республика 1-клиник касалхонасининг жарроҳи О. Садирхонов, Тошкент тиббиёт педиатрия олий билимгоҳи талабаси У. Раҳимова, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология бошқармаси бошлиғи Р. Қосимов ва бошқа ўртоқлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Вазирлар маҳкамаси соғлиқни сақлаш масалаларига тобора кенгроқ эътибор бераётганликларини катта мамнуният билан қайд этдилар. Шифохоналарнинг меъёрий фаолиятини таъминлаш учун давлат томонидан баҳоли қудрат имкониятлар яратиб бераётганлиги, тизим ходимларини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари изчиллик билан амалга оширилаётганлиги тўғрисида юртбошиларга миннатдорчилик билдирилди. Ҳозир умумхалқ муҳокамасига қўйилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасида соғлиқни сақлаш масалалари ўз аксини топганлиги ҳам давлатимизнинг бу соҳага муносабатини кўрсатади.

Шифокорлар олдида турган энг катта муаммолардан бири — тиббий хизмат кўрсатишнинг савиясини тубдан яхшилаш масаласидир. Сон кетидан қувиш оқибатида касалхоналар ва поликлиникалардаги ўринлар, уларда ишлаётган врачларнинг умумий миқдори бўйича бизга тенг келадиган давлатлар дунёда кўп эмас. Лекин шифокорларнинг билими, малакаси, улар кўрсатаётган хизматларнинг сифати паст. Шу боисдан тиббиёт хизматидан норози бўлганлар, вазирлик ва бошқа давлат идораларида шу ҳақда шикоят қилаётган фуқаролар оз эмас.

Шу муносабат билан хорижий тажриба асосида суғурта тиббий хизматни шунингдек, ўзимиздаги соғлиқни сақлаш бепул тизимини яхшилаш билан бирга энг юқори талабларга жавоб берадиган пуллик поликлиника ва касалхоналарни ҳам очиш, Тошкент шаҳрида шу соҳада қилинаётган яхши ишларни инобатга олиш лозим, деган фикрлар мулоқотда қайта-қайта айтилди.

Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятида камчилик ва нуқсонларнинг кўплигини соҳа мутасаддилари ҳам очиқ айтмоқдалар. Боз устига тиббий билимларга эга бўлмаган экстрасенслар, табиблар, дуогўйлар, синалмаган дориларни кўча-кўйда сотувчилар, кичик корхона ва ширкатлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Ҳукуматнинг махсус қарори билан бундай бошбошдоқликка чек қўйилмаса, текширилмаган дори-дармонларни сотиш қатъиян маън этилмаса, бу нарсалар кишилар соғлиғига жиддий путур етказиши мумкин.

Албатта, халқ ўртасида тиббиёт масалаларини тушунтириш ишларини жонлантириш ҳам катта аҳамиятга эга. Шу ўринда ўз вақтида тарғибот ишларини олиб бориш билан шуғулланиб келган санитария маорифи уйларининг тугатилганлиги нотўғри бўлганлиги ҳам таъкидланди.

Мулоқотда илғор давлатларнинг тиббиёт соҳасидаги тажрибасини тезроқ ўрганиб, уни республикамизда жорий этиш учун шифокорларни кўпроқ чет элга юбориш, бунинг учун зарур маблағларни ажратиш масаласига ҳам эътибор берилди. Айни пайтда, ўзимизда ҳам билимли ва тажрибали шифокорлар, намунали тиббий муассасалар борлиги, уларнинг тажрибаси тўғрисида матбуотда ёритиш, хусусан, «зангори экран»ларда мунтазам кўрсатувлар бериб бориш зарурлиги таъкидланди.

Ватанимиз аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини жаҳон талаблари даражасига кўтариш ҳам ўзимизга, ақл-идрокимиз ва куч-ғайратимизни шу мақсадларга қарата билишимизга боғлиқ, деган фикр учрашувда устивор бўлди.

Хуллас, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида ўтган навбатдаги учрашув соғлиқни сақлаш тизими ишини яхшилаш, бунга республикамиздаги етакчи партия эътиборини кучайтириш нуқтаи-назаридан жуда фойдали бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП МК иккинчи котиби М. Қирғизбоев, котиб И. Кочмарик, Марказий Тафтиш комиссиясининг раиси Ў. Турғунов иштирок этдилар.

С. ШЕРАЛИЕВ.

СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН !

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ САҲИФАСИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ фаровон турмуш кечириши ва давлат ҳазинасининг салмоқли бўлиши унинг заминида етиштириладиган турфа хил деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик маҳсулотларининг сифати ва миқдори билан ҳам боғлиқ бўлган.

Жаннатмакон юртимиз далалари, пайкаллари, боғларида тайёрланган сархил қовун-тарвуз, сабзавот ва мевалар халқимиз дастурхонини тўйимли ва серфайз қилиш билан бирга, Буюк Ипак йўли орқали сайёрамиздаги турли мамлакат халқларига етказиб берилгани, уларнинг олқишига сазовор бўлиб, асл деҳқон номи билан довруғ қозонганлиги тарих саҳифаларидаги бор ҳақиқат эди.

Афсуски, Совет тузуми давридаги инсониятга қарши олиб борилган қатағон сиёсатдан қишлоқ хўжалиги ҳам четда қолмади, яъни якка хўжаликларнинг серҳосил маҳсулотлар етиштириб берган экин ерлари зўравонлик билан ялпи равишда коллективлаштириш деб аталган, ердан хўжасизларча фойдаланувчи ширкатларга олиб берилди.

Бизнинг олтин қўлли пахтакорлар юртида асосий минерал ва кимёвий заҳарли воситалар ишлаб чиқарувчи корхоналар кўплаб жойлаштирилди, уларнинг маҳсулотлари энг кўп ишлатилди. Натижада олтинга тенг хом-ашё берувчи пахта далалари заҳарланиб кетди, тупроқ таркибидаги барча фойдали ҳашорат ва чувалчанглар қирилиб битди. Бунинг натижасида тупроқ унумдорлиги кескин пасайиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш тобора қийинлашиб бормоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида вужудга келган ҳозирги оғир вазиятдан қутулиш учун олимларимиз, тажрибакор деҳқонларимиз турли хил назарий ва амалий тадбирлар тизимини тавсия этмоқдалар. Уларни қўллаш учун кўплаб маблағ ва узоқ муддат талаб қилинадики, ҳозирги бозор иқтисоди шароитида бундай тавсиялар ҳар қанча самарали бўлмасин амалга ошириш имкониятлари чекланган-дир. Худди шу «дўппи тор келган» вазиятда деҳқончилик ва чорвачиликни юксак самарали тармоққа айлантириш учун ажойиб бир мўъжиза содир бўлдики, уни ҳар бир хўжалик шароитида қўллаш мумкин ва қисқа даврда аҳволни кескин яхшилаш имконияти туғилади.

Маълумки, тупроқ унумдорлиги унинг таркибидаги энтомофаг жониворлар ва чувалчанглар миқдорига боғлиқ бўлади. Ерларнинг табиий унумдорлиги сақланиб қолиши учун 1 га майдонда 4 млрд. донагача энтомофаг жониворлар ва 1 млрд. донагача чувалчанглар мавжуд бўлиши керак, лекин бизнинг шароитимизда кўплаб кимёвий воситалар қўллаш натижасида улар қирилиб кетди ва шунга яраша тупроқ таркиби бузилиб, унумдорлик гарови ҳисобланган гумус ҳосил бўлиш жараёнига тўсиқ қўйилди.

Чувалчангларнинг тиббиётда, қишлоқ хўжалигида, айниқса ерларнинг унумдор қатламини шакллантириш ва мелиоратив хусусиятини яхшилашдаги аҳамияти азалдан ота-боболаримизга маълум бўлиб келган эди, фақат ҳозирги кунга келиб биз уни унутиб юбордик. Энди йўл қўйилган хатоликларни тез орада тузатиш учун америкалик врач Баррет етиштирган «калифорния қизил чувалчанги» гибридидан фойдаланиб, иш юритишимиз лозим, чунки, бу гибрид маҳаллий чувалчангларга қараганда 100 баробар серпушт бўлиб тез кўпаяди, 4 баробар узоқ яшайди ва энг муҳими заҳарли воситалар билан тўйинган тупроқ шароитида ҳам кўпайиб, уни зарарсизлантириш қобилиятига эгадир.

Ушбу чувалчангларни боқиб кўпайтиришга мўлжалланган 1500 та кичик корхонанинг ҳар бири кунига америкалик фермерларга 150 тоннадан биогумус ва чувалчанг унидан тайёрланган тўйимли озуқа-ем тайёрлаб бермоқдалар ва бунинг шарофати туфайли, экологик тоза ва хуштаъм қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини етарли миқдорда етиштиришга эришмоқдалар. Чувалчанг боқиш ва ундан биогумус олиш «биотехнология усули» деб аталиб, 1980 йилдан бошлаб дунё миқёсида кенг тарқалмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида ҳам 1990 йилдан эътиборан бу усулни қўллаш аста-секинлик билан бўлсада йўлга қўйилди.

Чувалчангларни боқиб кўпайтириш ва ундан биогумус олиш жуда ҳам оддий бўлиб, уни ҳар бир хўжаликда ташкил этиш мумкин. Бунинг учун озгина ҳафсала керак, холос. Айтарли чиқим бўлмаган ҳолда оз муддат ичида жуда катта иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик экинларидан етарли ҳосил олиш учун кўплаб минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар сотиб олишга мажбур бўлган хўжаликлар, бугунги нарх-навонинг кўтарилиб боришида унга осонликча эриша олмайдилар. Шунинг учун энди экинларни биогумус билан озиқлантирсак улар серҳосил, сифатли ва энг асосийси касалликка чалинмайдиган чидамли бўлиб ривожланади. Таркиби бузилган тупроқнинг табиий унумдорлиги тикланади.

Биотехнология усулини қўллашнинг афзаллигидан яна бири — тобора мураккаблашиб бораётган экологик вазиятни яхшилашга ёрдам беради. Ишлаб чиқариш жараёни, қайта ишлаш ва ҳар қандай хўжалик фаолияти туфайли кундан кунга тўпланиб, атроф-муҳитни булғаётган чиқиндилар, чувалчанг боқиш учун энг керакли хом ашё ҳисобланади.

Чувалчанг боқишдан олинадиган биогумус ва чувалчангнинг ўзидан фойдаланиш хусусиятларидан баъзиларини келтирамиз: азалдан чувалчангдан олинган сув ва тайёрланган малҳам дорилардан сариқ, қон, кўз, суяк синиши касалликларини даволашда кенг фойдаланиб келинган. Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» китобида унинг 200 хил касалликни даволашда ишлатилишини ёзиб ўтганлар.

Чувалчанг таркибининг 75—80 фоизи оқсил моддасидан ташкил топган бўлиб, инсон учун тўйимли озуқа ҳисобланади, организмни ҳар хил ортиқча ғуборлардан тозалаш хусусиятига эга. Кўпгина давлатларда чувалчанг унидан болалар учун фойдали озуқа қўшилмалари тайёрланади. Хитой ва Шарқ мамлакатлари таомномасида ундан 400 хилдан ортиқ таом тури тайёрланиши келтирилган.

Чувалчанг ишлаб чиқарадиган биогумусга келсак унинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти беқиёсдир. Маълумки, биогумус чорва моллари чиқитлари, чиқинди лар, ҳар хил сабзавот ва мева қолдиқлари чувалчанг организмидан ҳазм бўлиб ўтишидан ҳосил бўладиган маҳсулотдир. Унинг таркибида 3—4 фоиз азот, 2—3 фоиз калий, 4—5 фоиз фосфор ва ўсимлик ва ҳайвонлар учун зарур бўлган 25 хилдан ортиқ микроэлементлар мавжуд. 1 тонна чиқиндидан 600 килограмм биогумус ва 100 килограмм чувалчанг массаси ҳосил қилиш мумкин.

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Янгийўл ноҳияси ҳокими қошида ташкил этилган «Ер малҳами» биоконцернида олиб борилган амалий ишлар шуни кўрсатадики, биогумус билан озиқлантирилган сабзавот экинлари, бодринг, помидор, бақлажон, ширин қалампир, картошка, ерёнғоқ, сабзи, пиёз, ошқовоқ ҳосилдорлиги минерал ўғит бериб етиштирилган шу хил экинлардан 45—80 фоиз юқори бўлган. Биогумус олиш технологияси кечроқ йўлга қўйилгани учун чигит билан бирга солиниши керак бўлган биогумус ўсиш даврида солингани учун пахта ҳосилдорлиги фақат 25 фоизга ўсганлиги аниқланди, лекин толанинг узунлиги ва пишиқлик даражаси 4 фоизга яхшиланди.

Биогумусни ёпиқ иссиқхоналарда ва кўчат етиштириш жараёнида қўллаш самарадорликни 200—300 фоизга ошириши аниқланган, шу билан бирга бундай кўчатлар касалликка чидамли, бақувват ва серҳосил бўлиши билан ажралиб туради.

Биогумус таркибида гумин кислотаси борлиги туфайли уни иссиқхоналарда қўлланганда «оқ пашша»ларнинг мутлақо пайдо бўлмаслиги унинг ажойиб хусусиятларидан ҳисобланади. Хосилнинг хуштаъм ва экологик софлиги, гулларнинг нафис ва исининг хушбўй бўлиб етилиши бундай маҳсулотларни жаҳон бозори даражасига олиб чиқиш имкониятини таъминлайди.

Биогумуснинг яна бир афзаллиги шундаки, чорва моллари озуқасига қўшиб берилганда уларнинг маҳсулдорлиги ортиб кундан-кунга танқислашиб бораётган омухта емларни минглаб тонна тежаб қолади. Биогумус ва чувалчанг билан озиқлантирилган товуқ гўшти хуштаъм ва шифобахш хусусиятга эга бўлиб, тухум олиш даврини кескин оширади.

Келтирилган бу тажрибалар биотехнология усули афзаллигининг мингдан бир ҳиссасини ташкил этади, холос.

• Таркибан мутлақо соф •

ҲОСИЯТЛИ ЧУВАЛЧАНГ

• («Биогумус») •

ҲОСИЯТЛИ чувалчанг ва биогумус харид қилишни истаганлар учун Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Янгийўл ноҳияси ҳокими қошидаги «Ер малҳами» кичик корхонаси манзилгоҳини эълон қиламиз: Янгийўл ПСБ, ҳисоб рақами 000468041, 172723519. Янгийўл ноҳияси Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалиги. Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, 15-хона. Алоқа боғлаш учун телефонлар: 66-99-39, 65-06-46, 34-73-04.

А. АБДУХОЛИҚОВ,
Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат нозири, «Ер малҳами» корхонаси раҳбари.

МЕҲР ЁШЛИКДАН УЙҒОНСИН

КЕЙИНГИ вақтларда мактаб ўқувчиларининг экологик тарбияси масалаларига эътибор кучаймоқда. Шу мақсадда тарғибот ва тушунтириш ишларининг турли шаклларидан фойдаланиляпти, тадбирлар кўрилмоқда. Амалиёт бу хайрли ишни ҳар томонлама кенгайтиришни, ёшларда табиатга меҳр қўйиш, уни ҳимоя қилиш кўникмаларини ҳосил қилишни тақозо этмоқда.

Бўка туманидаги қатор мактабларда экологик тарбия масалаларига бағишланган конференциялар уюштириш яхши анъана бўлиб қолди. Яқинда 34- ва 35-мактабларда шундай тадбир ўтказилди. Унда «Экологик муаммолар ва ёшларни табиатга бўлган қизиқишларини кучайтириш» масаласи муҳокама қилинди.

Икки мактаб ўқувчилари «Биосфера ва экология», «Кимё ва экология» мавзуларида ўзлари тайёрлаган кўргазмаларни ҳам намойиш қилдилар. Шу мактабларнинг биология ўқитувчилари Э. Худойберганов, Д. Ашуралиевлар талабаларни экологик тарбиялашни яхшилашда тўплаган тажрибалари билан ўртоқлашдилар, бу муҳим ишни яхшилашга қаратилган фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Маърузачилар ва муҳокамада қатнашган ноиблар ўрта мактабларда табиат муҳофазаси бўйича махсус дарслар соатларини кўпайтириш зарурлигини, бунинг учун услубий қўлланма ишлаб чиқиш, мактаб ўқувчиларининг табиат муҳофазасига қизиқишларини кучайтириш учун улар ўртасида турли-туман кўрик-конкурслар, табиат қўйнига боришларини кўпроқ уюштириб туриш лозимлигини таъкидладилар.

М. МАҲМУДОВ.

• ТАБИАТ ВА ИНСОН •



● Олтин нақш куз тароватн.

А. Тўраев сурат-лавҳаси.

ТЎХТАТИБ ҚЎЙИЛДИ

САНОАТ корхоналарининг ишлаб чиқаришини минерал хом ашёларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Пировард натижада ҳаммаси шунга бориб тақалади. Шу мақсадда кўплаб конлар очилди, улардан турли хил қазилма бойликлари олинади. Лекин, бунинг иккинчи муҳим бир муаммоси бор. Гап шундаки, кўп маблағ ва меҳнат сарфлаб қазиб чиқарилган хом ашёнинг аксарият қисми фойдаланилмайди. Ҳисоб-китобларга қараганда унинг фақат 10 фоизигина ишлатилар экан. Қолган тўқсон фоизи эса чиқинди ҳисобланади. У қазиб олинган, сараланган ва ишлов берилган ерларда қолиб кетмоқда.

Охирги вақтларда, айниқса, энг арзон, деб ҳисобланган конларни очиқ усулда қазиб олишнинг ниҳоятда кенгайиб кетганлиги оқибатида бундай чиқиндилар уюми жуда катталашиб кетди. Катта-катта ҳовузларни эслатувчи карьерлар пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси табиатга зарар келтирмоқда, атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Гектарлаб майдонлар банд бўлиб ётибди. Ваҳоланки, уларнинг кўпчилигида боғ-роғлар барпо этиш, қишлоқ хўжалик экинлари экиш мумкин эди.

Туман табиатни муҳофаза қилиш комитети шуни ҳисобга олиб, барча қум-шағал конларини текшириб чиқди. Уларнинг экологик талабга риоя қилмаётганларининг ишини тўхтатиб қўйишгача борилди. Масалан, Бекобод шағал саралаш карьерига нисбатан шундай чора кўрилди. Бу ердги мавжуд карьерлар учун лойиҳа ҳужжатлари қайтадан тайёрланди. Бу лойиҳанинг экологик талабга қанчалик жавоб бериши синчиклаб текширилмоқда. У талаб даражасида бўлсагина қум-шағални қазиб олишга рухсат берилади.

«Авангард» давлат хўжалиги ҳудудидаги қум карьерида хўжасизлик кўринишларига дуч келинди. Бу ерда қумни қазиб олишда табиатга зарар келтирмаслик чораларини кўришга умуман эътибор берилмаяпти. Карьерлар анча чуқур қазилади, бунинг учун белгиланган тартибга риоя қилинмасди. Комитетимиз назоратчилари карьер ишини тўхтатиб қўйдилар. Шундан кейингина карьер раҳбарлари қимирлаб қолишди. Жамоа ўз фаолиятини тартибга солмоқда. Табиатга иложи борича зарар келтирмасдан ишлаш чоралари кўрилмоқда.

К. МАВЛОНОВ,
Бекобод туман табиатни муҳофаза қилиш комитетининг раиси.

• Ўрмон хўжалиги:

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

ВИЛОЯТИМИЗ ҳудудида қатор ўрмон хўжаликлари жойлашган. Улар оддий хўжалик бўлиб қолмай ишлаб чиқариш, тайёрлаш ишлари билан ҳам шуғулланмоқдалар, кенг кўламда янги боғ-роғлар барпо этмоқдалар, мева-резаворлар, доривор ўсимликлар, пичан тайёрламоқдалар. Айримларида маҳаллий хом ашё асосида турли хил халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ўрмонларнинг экологик аҳволни яхшилашдаги мавқеи бениҳоядир. Уларнинг энг муҳим аҳамиятлари ҳам шунда. Ҳавонинг мусаффолиги, сувнинг тозалиги, табиатнинг гўзаллиги ҳам унга боғлиқ. Шунинг учун ҳам у ҳақли равишда катта табиий бойлик, деб юритилади.

Уни асраб-авайлаш, кўпайтириш, бойитиш давримизнинг муҳим вазифасидир. Бу ишга масъулиятли бўлган ташкилотлар эса ўрмон хўжаликларидир. Ҳозирги вақтда вилоятимизда Оҳангарон, Бекобод, Бурчмулла, Тошкент, Паркент ва Чиноз ўрмон хўжаликлари ишлаб турипти. Уларга бириктилган майдонлар шу йилнинг бошига келиб 385,4 минг гектарни ташкил этди. Кейинги бир неча йил ичида унинг ҳажми 1,3 минг гектарга кўпайди. Бунга асосан Оҳангарон ўрмон хўжалигига янги ерларни қўшиб бериш ва Тошкент ўрмон хўжалигининг илгари олиб қўйилган бир қисми майдонини қайтариб берилиши ҳисобига эришилди.

Лекин ўрмон хўжаликларида кўпдан-кўп муаммолар тўпланиб ётипти, уларни аксарият ҳолларда уларнинг кучи билан ҳал қилиб бўлмайди. Хўжаликлар манзарали ва мевали дарахтлар кўчатлари етиштириш билан шуғулланадилар. Турли хил сабаблар оқибатида кўчатхоналар кенгайиш ўрнига камайиб кетмоқда. Ҳозирги вақтда уларнинг майдони 118 гектар. Беш йил олдингисидан 19 гектар камдир. Чирчиқ ўрмон хўжалигининг Озодбош участкасини қурилишларга ажратиш натижасида шундай бўлди. Лекин ажратиб олинган бу ер майдонидан ниҳоятда қониқарсиз фойдаланиляпти. Уни Чирчиқ ўрмон хўжалигига қайтариб бериш масаласини кўриб чиқиш ва ижобий ҳал қилиш керак. Шундай қилинса бу ерда яна кўчатхона ташкил этиш мумкин бўларди. Манзарали ва мевали дарахт кўчатларига талаб ортиб бораётган ҳозирги вақтда бу айни муддаодир.

Ҳайдаладиган ерлар ўрмон хўжаликларининг катта бойлиги ҳисобланади. Уларда турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Нисбатан оз бўлса ҳам ҳарна-да. Лекин, бундай ерлар майдони ҳам камайиб кетаётганлиги ташвишли бир ҳолдир. Бир вақтлар бундай ҳудудлар 452 гектарга етган эди. Кейинги вақтда эса йил сайин камайиб кетмоқда. Оқибатда у 155 гектарга қисқарди. Бу, асосан, Бекобод, Тошкент ўрмон хўжаликларига тўғри келади. Биргина Тошкент хўжалигида 82 гектар ерга экин экилмайдиган бўлиб қолди. Айрим хўжаликларда ўсиш ҳам бўлди, лекин улар сезиларли даражада юз бермади.

Мевазор боғлар майдони ҳам камайиб кетмоқда. Айниқса, зараркунанда ҳашаротлар катта зиён етказмоқда. Уларга қарши кураш талаб даражасида олиб борилмаётганлиги бунга сабаб бўлмоқда. Натижада кўпгина мевазорлар қайта тикланмоқда ҳамда ҳисобдан чиқариляпти. Умуман эса уларнинг майдони эллик бир гектардан 45 гектаргача қисқарди.

Ўрмон хўжаликлари тизимидаги ўрмонларнинг умумий ҳолатини қониқарли, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки, бу тармоқда етти минг нафарга яқин ходимлар хизмат қилмоқда. Уларнинг кўпчилиги шу соҳа бўйича турли маълумотларга эга бўлган мутахассислардир. Барча ишларни олдиндан тайёрланган ташкилий-хўжалик режаси асосида олиб борадилар. Ҳатто, ўрмонларни қўриқлаш ва ёнғинларни аниқлашда тайёралардан фойдаланмоқдалар.

Жамоа ва давлат хўжаликларига қарашли ўрмонлар ҳақида бундай деб бўлмайди. Уларда ўрмонларга фақат қўшимча яйловлар, айни вақтда хашак ўриладиган жой, деб қаралади. Бунинг устига уларда мол боқиш ҳам лозим тизимга эга эмас. Қисқаси, ҳамма ишда пала-партишликка йўл қўйилади, тартиб йўқ, агротехника талабларига жавоб бермайди. Ўрмонларни парвариш қилиш, чириган, қуриган дарахтларни кесиб, янгиларини экиш, ўрмонни муҳофаза қилиш ва уни тиклаш ишлари деярли олиб борилмайди. Ҳамма нарса олинади, лекин ҳеч нарса қайтариб берилмайди.

Шунинг учун ягона ўрмон фонди бўлиши, бундай ҳозирги тарқоқликка чек қўйиш лозим. Бизнингча жамоа ва давлат хўжаликларига қарашли ўрмонларни давлат ўрмон хўжаликларига бериш керак. Бундай қимматли табиий бойликка ягона соҳиблик яхши самара беради, албатта.

Яна бир муҳим масала ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. У ҳам бўлса ўрмончиликдаги уруғчилик ҳақидадир. Янги ўрмонлар, дарахтзорлар ташкил этишда аниқ бир мақсадни кўзлаш, кўчатларни дуч келган жойга экишдан тийилиш даркор. Муайян жойга мос тушадиган дарахтлар навларини экиш лозим. Айни вақтда унинг узоқ муддат кўкариб туриши, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш ишига оз бўлса ҳам нафи тегадиган, айниқса, тупроқнинг емирилишини олдини оладиган, сувни узоқ муддат сақлайдиган бўлиши ҳам ҳисобга олиниши зарур. Ҳозирча бунга тўла амал қилинмаяпти.

Шу мақсадда ўрмон хўжаликларини ривожлантиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиш керак. Унда сув билан таъминлаш нисбатан осонроқ бўлган жойларда ёнғоқзорлар, аҳвол нисбатан оғирроқ жойларда бодомзор ва хандонпистазорлар барпо этилишини назарда тутиш лозим.

Ўрмон хўжаликларининг кўпчилик қисми Угом-Чотқол давлат миллий боғи таркибига киришини, унинг базаси бўлиб қолишини ҳисобга олиб, бу ерлардан фойдаланиш ҳуқуқини шу боғга бериш лозим. Шундан кейин уни ривожлантиришнинг бош схемаси бўйича масалаларни аста-секин ҳал қилишга киришиш керак. Бунинг учун ҳатто чет эл сармоясини ҳам жалб қилиш мумкин.

Бизнингча ҳозирги даврда давлат ўрмон хўжалиги қўмитаси ва табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси куч-ғайратини ўрмон хўжаликларидаги ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ҳимоя қилишга йўналтириш муҳимдир. Бу икки республика идорасининг бу ишдаги яқин ҳамкорлиги яхши самара беради.


Ушбу мақолада вилоятимиздаги ўрмон хўжаликларининг асосий муаммолари ҳақида қисқача тўхталдик. Бошқалари ҳам бор улар ҳам ўзининг ҳал бўлишини кутмоқда. Шунинг учун барча мутасадди ташкилотлар уларни тезроқ бартараф этишга эришиш учун барча имкониятлар ва омилларни ишга солишлари лозим. Буни кечиктирмаслик, пайсалга солмаслик керак.

А. УСМОНОВ,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси махсус назорати бошлиғи.

• ТАБИАТ ВА ИНСОН •

• Тошкент воҳаси ноз-неъматлари

БОДОМ



Сураткаш Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

ЧОРБОҒДАГИ ДЎЛАНА

ҚОРАХТОЙЛИК Абдураҳим ака Қўчқоровнинг хонадони қишлоқнинг кесиб ўтадиган анҳор бўйига жойлашган. Табиатан деҳқон киши бўлмиш хонадон соҳиби яратган турли ширин-шакар мевалар — анжир, жийда, гилос, анор ва бошқалар бор. Об-ҳавонинг ноқулай келиши деярли кўплаб токзорларни касаллантирди. Лекин Абдураҳим ака парваришлаган токлардаги ҳосил дуруст бўлди. Негаки, у зот токка қараш «илмини» яхши билади, хомток қилиш, дорилаш ва бошқа юмушларни ўз вақтида ўринлатади.

Бироқ Абдураҳим аканинг чорбоғи яна бир ажойиб мева дарахти билан ҳамқишлоқлари оғзига тушган, у ҳам бўлса, дўлана дарахтидир. У боғнинг ўртасида қуёшга қараб мағрур ўсяпти.

— Бу дўлананинг ким ва қачон экканлигини билмайман, — дейди Абдураҳим ака. — Бундай десангиз дўлана кўчати ҳеч кўкармайди, уни пайванд қилиб ҳам бўлмайди.

— Унда қандай кўпайтириш мумкин?

— Мен ҳам шунга ҳайронман. Мана бу томиридан илдиз отган ниҳолларни қаранг.

Боғбон шундай деди-да, ҳовлининг ҳар жой, ҳар жойида ўсиб ётган дўлана ниҳолларини кўрсатди. Бу ниҳоллар турли масофаларда илдиз отганди. Жумладан, 30—40 метр узоқликда ҳам ниҳоллар бўлиб, улар ҳатто тепаликда ҳам ўсишарди. Абдураҳим ака ҳовлисининг юқори қисми билан паст қисми орасидаги баландлик ўн метр келади.

— Қайси бир йили тўй қилдик, — эслайди уй соҳиби.— Кимдир темир ўчоқни дўлана олдига ўрнатган экан, иссиқ ўтиб қуриб қолди. Келгуси йили яна ўсиб чиқди.

— Одамлар ҳар йили дўлана ниҳолларини олиб кетиб экишади, — суҳбатга аралшади Абдураҳим аканинг ўғли Жумабой. — Лекин уларнинг бирортасиникида ҳам кўкармаган. Ҳар ҳолда шу вақтгача кўкарибди, деган сўзни эшитганим йўқ. Ховлимизда эса, у беоргул каби ҳар томондан ерни ёриб чиққан.

Қаранг, дўланага Абдураҳим аканинг боғи ёқиб қолган. У ҳар йили ўзининг олтинсимон ширин-нордон мевалари билан қишлоқ болакайларини хурсанд қилади.

Озод ХУШНАЗАРЗОДА.

• Шаҳар муҳитини бузманг •

ЛОҚАЙДЛИК БАРҲАМ ТОПСИН

ҲОЗИРГИ пайтда мустақил республикамизда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан бир қаторда узоқ йиллардан бери тўпланиб қолган, эндиликда эса ўз ечимини кутаётган экология муаммолари ҳам кўндаланг бўлиб қолди.

Сиз билан биз ўзимизнинг ўтмишдаги ва бугунги пала-партиш хатти-ҳаракатимиз туфайли она табиатга нисбатан нақадар шафқатсизларча муносабатда бўлаётганлигимизни, бунинг оқибатида эса ўз ҳаётимизга, болаларимиз ва келажак авлодлар ҳаётига қанчалик хавф-хатар туғдираётганимизни англаб етганга ўхшаймиз.

Янгийўл шаҳар ҳокимияти ва шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологияда турғунлик йиллари йўл қўйилган хатоларни бартараф этишга астойдил бел боғлаб, бу ишга жамоатчиликни кенг сафарбар этишга ҳаракат қилмоқда. Экологик аҳвол ва уни соғломлаштириш тадбирлари ҳақидаги масала 1991 йил 29 октябрда шаҳар Кенгашининг сессиясида муҳокама қилиниб, Янгийўл фуқароларига мурожаатнома ва шаҳарда 2005 йилгача табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича дастурнинг қабул қилиниши ҳам бу масалага катта эътибор билан қаралаётганидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда шаҳарда, Янгийўл тумани билан қўшиб ҳисоблаганда, вилоят аҳолисининг 9,3 фоизи ёки 200 минг киши яшамоқда. Эгалланган ер майдони эса бор-йўғи 965 гектарни ташкил этади. Унинг 655,0 гектарини турар-жой ва жамоа ерлари ташкил этган бўлса, 128 гектарни саноат корхоналари эгаллаган. Шаҳримизда 18 та саноат корхонаси, 11 та қурилиш ташкилоти, 7 та автокорхона ишлаб турипти. Йирик саноат маркази бўлганлиги туфайли транспорт хўжалиги тез даражада ривожланиб бормоқда. 2 мингта давлат, 4,5 мингта шахсий автомобиллардан фойдаланилаётир. Саноатнинг янада кенгайиши, ишлаб чиқариш қувватларининг тобора ошиб бораётгани натижасида уларнинг ён-атрофга таъсири ҳам катта бўлмоқда. Саноат корхоналари ва бошқа ташкилотлар йилига 3,5 минг тоннадан зиёд турли кимёвий заҳарлари бўлган чиқиндини ҳавога, сувга чиқариб юбормоқда. Уларнинг таркибида инсон саломатлиги учун энг зарарли бўлган чанг, олтингугурт ва углеводород моддалари мавжуд. Бундан ташқари, автотранспорт воситалари тўлиқ ёниб улгурмаган газ, углеводородлар ва таркибида бошқа нефть маҳсулотлари чиқиндилари бўлган 7,9 минг тоннадан зиёд заҳарли моддалар билан ҳавони булғамоқда. Ёғ-мой комбинати, ғишт заводлари бошқармаси, мебель фабрикаси, пойабзал фабрикаси шаҳримиз табиатига ниҳоятда катта зарар етказмоқда. Чунки, бу корхоналарнинг чангни тозаловчи ускуналари ҳаддан зиёд эскириб қолди. Баъзи ҳолларда эса ўта заҳарли чиқиндилар ҳам ҳавога чиқариб юбориляпти.

Шаҳар худудида 67 артезиан қудуғи мавжуд бўлиб, саноат корхоналари, коммунал хизматлар учун сув етказиб беради. Бизда бир йилда 13 миллион куб метр сувдан фойдаланилади. Шунинг 22 милилон куб метри саноатда ишлатилади. Ер усти оқар сувлари манбаи асосан Жун ва Қорақулдуқ каналларидан иборат. Йилига 26160 минг куб метр оқава ташланади. Шунинг 3895 минг куб метри талаб даражасида тозаланмаган ва 52 минг куб метри эса ифлослигича, заҳарли моддаларга аралаш ҳолда сув манбаларига ташланмоқда. Бу оқар сувлар таркибига катта таъсир кўрсатмоқда.

Ер усти сувларини ифлослантираётган корхоналардан бири биохимия заводидир. Бу завод Салор каналига тозаланмаган 3895 минг куб метр ҳажмдаги оқавани ташламоқда. Завод маъмурияти томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида бу кўрсаткич салкам 50 фоизга камайди. Бу ҳам бизни қаноатлантирмайди, мақсадимиз оқаваларнинг кўзда тутилганча тозаланишини таъминлашдир.


Ҳозирги кунда тозалаш иншоотларида қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

8-ғишт заводлари бирлашмаси Қорақулдуқ каналига 52 минг куб метр тозаланмаган, инсон саломатлигига зарар етказувчи оқава сувларни ташламоқда. Бу корхонада тозалагич иншоотлари умуман йўқ. Иншоот қуриш масалалари бир неча йилдан бери пайсалга солиб келинмоқда. Корхона мутасаддилари бир неча маротаба жарима солинганига ва давлат ҳисобидан 43464 сўм тўлов тўлаганига қарамасдан ҳамон бу масала ўз ечимини топмаяпти. Агар белгиланган муддат давомида у ҳал этилмаса биз заводни тўхтатиб қўйишга мажбур бўламиз.

Янгийўл қандолат фабрикасида ҳам тозалагич иншоотини қуриш масаласи бир неча йилдан бери ҳал этилмаяпти. Корхонанинг ачитқи цехидан оқизилаётган 2 минг куб метр сув шаҳар тозалаш иншоотларининг технологик жараёнини бузмоқда. Ёғ-мой комбинатида ҳам худди шу масалалар ҳал этилмаяпти. Комбинатда оқава сувларни назорат қилиш жуда суст олиб борилганлиги натижасида жуда ифлос оқавалар ҳам тозалагич иншоотларига ташланмоқда ва иншоот ишининг бир текисда ишлашига таъсир кўрсатмоқда, техника воситаларининг ишдан чиқишига олиб келмоқда.

Агар юқорида кўрсатилган ва бошқа ташкилотлар сувни қайта ишлатиш масаласини ҳал этганларида биз шаҳар бўйича 1 миллион куб метрдан ортиқ ичимлик сувини тежаб қолган бўлар эдик.

В. МАҲМУДОВ,
Янгийўл шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети раиси.



● Чўл яйловларида.

• Экологик кундалик •

ЖАРИМАЛАР, ОГОҲЛАНТИРИШЛАР, ТАНБЕҲЛАР

● ОҲАНГАРОН. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарори билан атроф-муҳитни меъёридан ортиқча ифлос қилган, чиқиндиларни белгиланган миқдордан кўпроқ чиқарган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга жарима солиш тартиби ўрнатилди. Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети назоратчилари шу қарор асосида атроф-муҳитни булғатаётганларга нисбатан курашни кескин кучайтирдилар.

Масалан, шаҳардаги цемент ишлаб чиқариш бирлашмаси атроф-муҳитга ортиқча чиқиндилар чиқаришни давом эттирмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича айрим чоралар кўрилаётганига қарамай у норма даражасига тушмаяпти. Ҳар куни белгиланганидан анча кўп тарқатилаяпти.

Янги қарорга асосланиб бирлашмага 270 минг сўм жарима солинди ва ундириб олинди. Айланувчи печлар бир неча марта тўхтатиб қўйилди. Улар саккиз-ўн икки кунлаб ишлатилмади. Ҳар гал атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашни яхшилашга қаратилган техникавий тадбирлар кўрилгач, ишга туширишга рухсат берилди. Айни вақтда корхонанинг мансабдор ходимларидан ўн икки кишига жарима солинди. Ҳаммаси бўлиб улардан ундириб олинган пул миқдори 4300 сўмни ташкил этди. Бирлашма бош директори (ўрт. Федоров) минг сўмлик жарима тўлашга мажбур бўлди. Шу корхонада ишловчи йигирма нафардан ортиқ мансабдор ва масъул кишиларни мукофотдан маҳрум қилиш ҳақида кўрсатма берилди.

Янги Ангрен давлат туман электр станциясидаги газни тозалаш қурилмалари самарасиз ишлатиляпти. Чанг, заҳарли моддалар — тутун, қурум нормадагидан анча кўп атрофга тарқатилмоқда. Бундай камчиликлар содир бўлишида айбдор шахслар ҳам жазосиз қолмади. Жумладан, уч нафар кишига 1500 сўм жарима солинди. Нурхона директори ҳам 500 сўм жарима тўлади. 4, 5-қозон агрегатлари тўхтатиб қўйилди. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг белгиланган вақтда амалга ошишини таъминламаган раҳбар ходимлардан 15 нафар киши мукофотдан маҳрум қилинди.

● БЎСТОНЛИҚ. Туман ҳудудида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Нафси ҳаккалак отиб кетган айрим шахслар рухсатсиз ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига зарар келтирмоқдалар.

Миллий боғ ва сув ҳавзаларида ўтказилган текширишлар натижасида кўпгина номаъқулчиликлар устидан чиқилди. Жониворларни овлашда фош қилинган шахслар қилмишларига яраша жазоландилар. Г. Эрматов, А. Охотников, В. Волокитин, А. Зинченко, Ш. Зябов, А. Лисицин, Р. Назанов ўз қилмишларини оқлашга қанчалик уринмасин, бўлмади. Тавба-тазаррулари ҳам инобатга олинмади. Улар қонунни бузганликларини тан олишди. Табиат бойликларига бундай кўз олайтирувчиларнинг ҳар бирига жарима солинди. Бир юз эллик сўмдан уч юз сўмгача пулни шахсий ҳамёндан тўлашга мажбур бўлдилар.

• ТАБИАТ ВА ИНСОН •

• Сўраган эдингиз •

ЧОЙ ТАРИХИ

Ҳурматли таҳририят!

Чой ер куррасида яшовчи кўп халқларнинг севимли ичимлиги бўлиб қолган. Унинг асли ватани қаерда, ҳозирги вақтда чой қайси мамлакатларда етиштирилмоқда? Шу ҳақда маълумот беришингизни истар эдик.

Ангрен шаҳри.
И. АҲМЕДОВ, М. РАХИМОВ,

ҲАҚИҚАТАН ҳам чой ўнлаб халқларнинг севимли ичимлиги ҳисобланади. Уни бизнинг мамлакатимизда ҳам жуда хуш кўрадилар. Қора ва кўк чой ҳар бир ўзбек хонадонида ичилади. Бизда чой етиштирилмайди, ҳаммаси четдан келтирилади.

Чойнинг ватани эса Жанубий-Шарқий Осиё ҳисобланади. Бу ердан у бутун курраи замин бўйлаб тарқалди ва кишиликни чой ва кофени хуш кўрувчиларга ажратиб ташлади. Чойнинг пайдо бўлиши ҳақида бир ривоят бор. Эмишки, гўзал қиз бир йигитни шунчалик қаттиқ севганки, у уйқуни қочириш ва бутун тун бўйи севгилисига тикилиб ўтириш учун ўз қовоқларини қурбон қилган экан. Бироқ унинг севгиси жавобсиз қолган. Қиз бунга чидай олмасдан ғам-ғуссадан вафот этади, у ҳалок бўлган жойда бута кўкариб чиқади, унинг барглари эса қовоқларни эслатади. Бу барглар қайнатилган сув уйқуни қочирган.

Чой энг қадим замонлардан бери етиштирилади. У дастлаб бошқа мақсадларда фойдаланилган. Хитойда у дори сифатида ишлатилган. IV асрдан VI асргача шундай бўлган. Бироқ, хитойлик тиббиётчилар узоқ вақт касалларга чой рецепти ёзиб бериб, уни барча дардлардан ҳалос қилувчи, деб ҳисоблаб келганлар. Бу ичимлик аста-секинлик билан кишиларнинг кундалик таомномасидан доимий ўрин ола бошлаган.

Энг кўп чой етиштириладиган мамлакатлар Ҳиндистон ва Шри-Ланкадир (олдинги Цейлон), шунингдек Индонезия, Хитой, Япония ва бошқа қатор мамлакатларда ҳам унинг катта майдонлари бор.

Чой баргига ишлов бериш, тайёрлаш ва истеъмол қилишнинг усуллари ҳақида кўпгина китоблар ва рисолалар ёзилган. Тўғри дамланган чой Шива ибодатхонасидаги каби нафис ҳидли бўлиши керак, дейишади Ҳиндистонда. Индонезияда эса Яван раққосалари баданни ранги каби олтинсимон-жигарранг рангли бўлиши лозим дейишади. Уни қуёшнинг ботиши ҳам кузатиладиган нафис ва юпқа чинни идишдан ичиш лозим, деб уқтиришади непалликлар. Таиландлик эса чой тай қизининг кулгиси каби ҳузур бахш этиши керак, дейди.

Шарқда чойнинг шохлар дастурхонига мўлжалланган энг яхши навларининг нафис барглари инсон териси ҳиди ўтириб қолмаслиги учун қўлпайпоқларда теришади, дейилади.

Энди бундай афсоналар ва ривоятлардан статистика ва фактларга ўтамиз: жаҳонда етиштириладиган чой ҳажми йилига 1,5—2 миллион тоннани ташкил этади. Уни энг кўп етиштирувчилари рўйхатининг биринчи қаторида Ҳиндистон, иккинчисида Шри-Ланка туради. Ҳиндистонда энг кўп чой 1988 йилда етиштирилган бўлиб, у 701 минг тоннани ташкил этган эди. Кейинги йилларда бу рақам анча камайди. Шу мамлакатнинг ўзида ҳар йили чойни истеъмол қилиш 15—20 минг тоннага ортмоқда. Бу маҳсулотга чет эл мамлакатлари, шу жумладан собиқ СССР томонидан талабнинг ошиши нархининг беқиёс даражада ортишига сабаб бўлди. Ҳиндистон чойни экспорт қилишни чеклаш бўйича чоралар кўрмоқда. Шунинг учун Ўзбекистонга ҳам юбориш камайди. Биз ҳозирги вақтда чойни Индонезиядан кўпроқ олаяпмиз.


М. СОБИРОВ.

ХУШХАБАРЛАР

● ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинатида янги олтингугурт кислотаси цехида қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етди. Бу ерда ҳар йили 360 минг тонна олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарилади. Қурилма атроф-муҳитни ифлосланиш даражасини сезиларли камайишига ҳам олиб келади. Кўплаб атмосферага чиқарилаётган олтингугурт гази кескин қисқаради.

● «ЭЛЕКТРОХИМПРОМ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг капролактам бўлинмаси атроф-муҳитни кўп даражада ифлослантирувчи манба бўлиб қолмоқда. Лекин, бу ерда табиатни муҳофаза қилиш чоратадбирлари ҳам кўриляпти. Яқинда заҳарли газларни ушлаб қолувчи яна бир қурилма ишга туширилди. У ҳар йили атроф-муҳитга тарқатилаётган 170 тонна азот оксидини тутиб қолади.

● ТОШКЕНТ давлат туман электр станциясида ҳам табиатни муҳофаза қилиш ишларига эътибор кучаймоқда. Яқинда бу ерда азот оксидини тутиб қолиш имконини берувчи технология жорий қилинди. Унинг ёрдамида зарарли газларни ҳавога чиқариш 344 тоннага камайди. Ёқилғи балансида мазут улушининг қисқариши ҳам экологик яхши бўлди. Шу туфайли беш ярим минг тоннадан ошиқроқ олтингугурт иккиламчи оксиди атмосферага тарқамайдиган бўлди.



● Яшамоқ — курашмоқдир.

ТАЛАБАЛАР ТАҚДИРЛАНИШДИ

МАКТАБ ўқувчилари орасида ўзининг она табиатга меҳр-муҳаббатини турли шаклларда ифода этишга интилувчи талабалар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Бу, аввало, табиат муҳофазаси юзасидан таълим-тарбия ишлари кўлами кенгайиб бораётганлиги, унинг мазмунан бойиётганлиги натижасидир.

Дилшод Усмонов Ўртачирчиқ туманидаги махсус мактаб-интернат талабаси. У рассомликни ёқтиради. Ўзи ҳам расмлар чизади. Уларнинг айримлари табиат кўринишларини акс эттиришга бағишланган. Кенг майсазорлар, поёни йўқ пахтазорлар, гавжум қишлоқлар кўриниши ва бошқа шу каби манзараларни қунт билан чизишга ҳаракат қилади. Кўргазмаларга қўйилган бундай асарлари ўзининг қандайдир жозибаси, соддалиги билан ажралиб туради. Ундаги бу қобилиятни ҳисобга олган вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитети ёш рассомни пул мукофоти билан тақдирлади.

Собит Собиров эса паррандаларга қизиқади. Уларни парвариш қилади, кўпайтиради. Ўртачирчиқ туманидаги 16-ўрта мактаб еттинчи синф ўқувчиси Собит ҳам вилоят комитетининг пул мукофотини олишга сазовор бўлди.

М. МАҲМУДОВ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҚАТИҚ ИЧИНГ

● УЗОҚ умр кўришнинг сири қатиқдандир!— туркиялик тадқиқотчилар шундай деб ҳисобламоқдалар. Бунинг учун уларда асос бўлса керак, албатта. Чунки бу маҳсулот туркларнинг дастурхонидан ҳеч вақт аримайди. Қатиқ умрни узайтиришдан ташқари турли хил касалликларни, чунончи ичак, жигар, тери, асаблар, склероз касалликларини даволашда ҳам ёрдам беради.

Шундай экан, саломат бўлай десангиз қатиқ ичаверинг.

ФАРҚИ НИМАДА!

● Францияда нашр этиладиган «Мария Кларе» журнали эркаклар ва аёллар фарқининг 100 дан ортиқ сабабларини кўрсатди. Буни билиб қўйиш керак, дейди француз қаламкашлари. Ўшанда биз қарши жинсни яхши тушунадиган бўламиз.

● Эркакларнинг мияси аёлларникига нисбатан 250—350 грамм оғирдир. Бироқ интеллект маъносида бу ҳеч нарса эмас. Чунки энг оғир мия горилланикидир...

● Хотин-қизларда ҳид билиш эркаклардагига қараганда ўртача 20 фоиз ортиқдир. Шунга қарамай энг хушбўй атир-упа тайёрловчиларнинг 80 фоизи эркаклардир.

● Эркаклар жаҳли аёлларга нисбатан тез чиқади. Аёлларда мусиқа тинглаш нозикроқдир.

• Бу—қизиқ •

БИЛИБ ҚЎЙИНГ, НАФИ КАТТА

РАДИОАКТИВ ифлосланиш даражаси ортиб бораётган ҳозирги вақтда ҳам мева-сабзавотларни тановул қилишга мажбурмиз. Чунки барибир яшаш керак. Шунинг учун қуйидаги маслаҳатларни ҳисобга олсангиз фақат фойда қиласиз.

● ТАНОВУЛ қилишдан олдин картошка ва лавлагининг пўстини, албатта, арчиб ташланг. Бундай тозалаш цезий — 137 ва стронций-90 заҳарли моддаларнинг 30 дан то 40 фоизгача камайтиради. Сабзавотларни қайнатиш ва тузлаш натижасида улар яна икки баравар камаяди.

● УМУМАН, ҳар қандай қайнатилган маҳсулот нуклеидларнинг икки баравар қисқаришига олиб келади.

● **ИРИК саноат шаҳарлари ва радиоактивлик ошиқча бўлган минтақаларда яшовчиларга қуйидаги маслаҳатларни бермоқчимиз:** Елин, буйрак, ўпка ва жигар каби гўшт маҳсулотларини умуман емаслик ёки камроқ истеъмол қилиш лозим. Чунки, худди шу аъзоларда радиоактив элементлар кўпроқ бўлади.

● ГЎШТ ва балиқни, бошқа маҳсулотларни овқат тайёрлашдан олдин озгина миқдорда сирка солинган сувга солиб олиш лозим.

● ГЎШТ қайнатилгандан кейин сувни тўкиб ташлаш лозим. Агар сувининг ўзи керак бўлса, гўшт устига совуқ сув қуйиш ва уни 10 дақиқа қайнатиб, сувни тўкиб ташланг. Шундан кейингина янги сув солиб, уни тайёр ҳолга келгунча қайнатиш мумкин.

● СУТДАН тайёрланган турли оқлиқлар сутнинг ўзидан анча тоза бўлади. Масалан, творогда цезий ва стронций 70 фоизгача камаяди. Қаймоқда 80 фоизгача оз бўлади.

● ИМКОНИЯТ бўлса, кўпроқ сули ва қора бугдой (гречка) солинган суюқ овқат ёки улардан тайёрланган бўтқани истеъмол қилинг, Ёғ, албатта, ўсимликники бўлиши лозим.

● САБЗИНИ канда қилмасликни маслаҳат берамиз. У радиацияга қарши ажойиб воситадир. Уни барча таомларга қўшиб, пишган ёки хом ҳолда ейаверинг.

● ҚАЙНАТИЛГАН тухумни камроқ истеъмол қилинг. Стронций унинг пўстида тўпланади. Қайнаши давомида эса у оқсилга ўтади.

● ҚИЗИЛ лавлаги бебаҳо ўсимликдир. Айтишларича, унинг таркибида саратон (рак) касали ҳужайраларини кўпайишини тўхтатувчи модда бор. Лавлагидаги қизил ранг-бетанин шишга қарши хоссага эгадир. Уни барча кўринишда — хомлигида, қайнатилган, қўрга кўмилганда ҳам пўстини арчиб ейиш керак.

● ҚОРА қарат (смородина) ҳам лавлаги билан ёнма-ён туради. У нур касалликларининг олдини олади. Бадандаги нуклеидларни чиқариб ташлайди. У исталган кўринишда тановул қилинади.

● ШУ жиҳатдан карам ҳам фойдалидир. Бироқ, унинг битта «лекин»и бор. Устки барглари ва ўзагини емаслик лозим.

● ТАРКИБИДА қизил пигмент бўлган шарбатлар, чунончи, узум, анор, памилдори ва бошқа шу каби мева-сабзавот шарбатларини иложи борича кўпроқ ичинг.

Ушбу саҳифа материалларини Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фан-техника тараққиёти ва тарғибот бўлими ҳамда «Тошкент ҳақиқати» ходимлари тайёрлашган.

• *Булар ҳақида кам ёзилади* •

ДУО ОЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

БУ ҚИЗ ҳақида ёши етмишларни қоралаб қолган бир отахон гап бошламаганида балки, мен қабулхона котибаси Муқаддамнинг ўз ишига хос фазилатларига эътибор қилмаган бўлишим ҳам мумкин эди.

— Барака топадиган экан, — дея сўз бошлади суҳбатимиз давомида ўзини Умар ота деб таништирган нуроний қария. — Эшикдан киришим билан дарров салом берди, нима юмуш билан келганлигимни сўраб суриштирди, кейин жой кўрсатиб, ўтиришга таклиф қилди. Муомаласи юмшоқ, чеҳраси очиқ, ҳаёли, андишали. Худо хоҳласа, шулар унади, ўсади, бахтини топади, болам. Ширинзабонликда гап кўп...



Ота котиба қизни мақтаб, яна узоқ гапирди. Кейинчалик ҳокимиятга ботбот келганимда Муқаддам Эрматовадаги ана шу инсоний хислатларни ўзим ҳам кузатдим. Унинг ҳаттиҳаракатида, Ўртачирчиқ район ҳокими қабулхонасига келувчиларга бўлган муомаласида сунъийлик йўқ. Каттаю-кичикка баробар. Турли юмушлар билан ташриф буюрган кишиларнинг мақсадлари ҳақида тушунча олгач, уларни навбатманавбат ҳоким Мирзамурод Икромов ёки унинг муовини Мирзахўжа Қалқулов ҳузурига йўллайди. Гоҳида эса «Сизнинг ишингиз мана бу жойда битади» дея келганларни керакли бўлимгача кузатиб қўяди.

... Муқаддам ўрта мактабда ўқиб юрганида албатта, қабулхона котибаси бўламан, деб ўйламаган. У дастлаб Тўйтепадаги тикувчилик фабрикасида, кейинчалик боғчада, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонасида ишлади. Ана шу жойларда ишчанлиги, ширинсўзлиги, соддалиги ва самимийлиги, камтарлиги, ўткир зеҳни билан танилди. Муқаддам машинкада ёза олиши билан ҳам эътибор топди. Бу фазилатлари уни кўпчилик билан муомала қила оладиган касб эгаси — котиба бўлиб ишлашига ёрдам бермоқда.

Отахоннинг Муқаддам Эрматовадан миннатдор бўлганича бор экан. Қуш уясида кўрганини қилади, дейишади. Муқаддам отаси Турғунжон, онаси Ҳалималарнинг, шунингдек, Ўртачирчиқ районидаги Низомий номли ўрта мактаб ўқитувчиларининг берган тарбияларини оқлаяпти. Ўз одоби, бурчига тўғри муносабати билан қабулхонага келувчилар ҳурматига сазовор бўлмоқда, кексалар дуосини оляпти. Дуо олганлар эса ҳеч қачон кам бўлмайдилар.

С. ҲАСАНОВ.

МЕТАЛЛУРГЛАР УЧУН ГЎШТ ВА СУТ

ЎЗБЕКИСТОН металлургия заводининг цехларига эрталаб янги соғилган сут келтирила бошланди. Меҳнаткашларни бу қимматбаҳо озиқ-овқат билан корхонанинг ёрдамчи хўжалиги таъминламоқда.

— Ёрдамчи хўжалигимизнинг йўналиши сут етиштиришга мўлжалланган,— дейди унинг директори М. Мирзақулов. — Ҳозир 320 бош қорамол боқяпмиз. Моллар тобора кўпайяпти. Йил бошидан буён металлургларга 70 тоннадан ортиқ сут, бир неча ўн тонна гўшт сотилди.

Гўшт ва сут сотишни касаба уюшмаси комитети бошқармоқда. Комитет бу ишни шундай йўлга қўйдики, цехларнинг бирортаси ҳам бу афзалликдан маҳрум бўлмаган касаба уюшмаси фаолларининг иштироки билан ёрдамчи хўжаликнинг моддий-техникавий базаси мустаҳкамланмоқда, хўжаликни озуқа билан таъминлаш йўлга қўйилди. Завод жамоаси бу йил деярли 1 минг тонна силос тайёрлашда ёрдам берди.

Металлурглар ёрдамчи хўжалигида ҳаммаси бўлиб 27 киши ишлайди, шундан 24 киши — ишчилар. Қорамоллар сони мингтадан ошганда ҳам ходимлар кўпаймайди.

КЕЛАСИ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

ТОШКЕНТ тумани иссиқхоналарида бу йил ҳосил ҳар қачонгидан ҳам мўл бўлди. Пудратчи оилалар ғайрати билан шаҳарликлар дастурхонига 100 тонна помидор, 1350 тонна бодринг, 50 тоннадан зиёд турли ошкўклар етказиб берилди. Мана, энди келгуси йил ҳосили учун замин ҳозирлаш вақти етди. Сифатли ишлов берилиб, маромида ўғитланган кўчатхоналарга 20 килограмм турли экинлар уруғи сепилди. Униб чиққан ниҳоллар 20 гектар майдондаги исиқхоналарга экиш учун етади.

ЙЎЛСОЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

ПИСКЕНТДА туман автомобиль йўллари бошқармаси грейдерчиларининг кўрик-танлови якунланди. Унда Тошкент вилоятининг Паркент, Бекобод, Зангиота, Янгийўл, Ўртачирчиқ туманлар йўлсозлари ўртасида ўтказилган биринчи босқич мусобақаларининг 20 нафар ғолиби қатнашди.

Мусобақа шартига кўра, йўлсозлар 25 километрли йўл ўтувчи қияликларни текислаш ҳамда унинг чеккасига ариқ олишлари лозим эди. Икки кун давом этган беллашувда Пискентлик Турдиали Исматов биринчи ўринни эгаллаб 15 минг сўм мукофот олди.

(ЎзА мухбири).

• *Тиббиёт ва ҳаёт* •

РАКНИ ДАВОЛАШ ЯНГИ УСУЛИНИНГ ТАҚДИРИ ҲАЛ БЎЛМОҚДА

Асримизнинг энг даҳшатли касали — ракка қарши курашда ишончнинг янги шуъласи яқинда пайдо бўлган эди. Россияда «саркома», «меланома», «корсинома» (ракнинг ҳар хил турлари) диагнози қўйилган юзлаб кишиларни даволашнинг янги, анча истиқболли усули билан ўлимдан сақлаб қолишга эришилди. Ихтирочи ва олим В. Ф. Гудков, диагностика ва хирургия илмий-текшириш институтининг директори В. Б. Харченко, Нижний Новгороддан профессор Н. Е. Яхонтов ва қатор бошқа мутахассислар бу усулнинг муаллифларидир.

Русия врачлари томонидан муваффақиятли фойдаланилаётган янги усулга ўтган йилнинг ноябрида АҚШда 5067952-сонли патент берилди. Бу ҳақда «Труд» газетаси туркум мақолалар берди. Даволашда самарага нималар ҳиисобига эришилаётганлигини яна эслатиб ўтмоқчимиз. Шишга чўянниинг микрозаррачалари киритилади (уларни кўпинча оддий кўз билан кўриб бўлмайди), бу заррачалар янги ҳосилаларни юқори тебранишли майдон билан ҳароратнинг ўндан бир бўлагигача аниқликда қиздириш имконини беради. 43,5 ҳарорат иссиқликда қиздирилган жойда рак ҳужайралари юз фоизгача ҳалок бўлади.

Албатта, бу дастлабки қадамлардир. Даволаш бир неча йил давомида олиб борилаётган бўлса ҳам узоққа мўлжалланган хулосалар чиқаришга ҳали эрта, бироқ шу дастлабки одимлар ҳам тадқиқотларнинг истиқболлилиги тўғрисида дарак беради.

Босилган материаллар мамлакатимизда ва чет элларда кенг акс садони юзага келтирди. Газетхонларнинг илтимослари билан таҳририят ҳузурида ракни даволашнинг янги усулини қўллаб-қувватловчи жамоат жамғармаси тузилди, маблағлар йиғиш эълон қилинди, чунки бундай маблағларнинг йўқлиги кенг қамровли тадқиқотларни ўтказиш ва ферромагнит гипертермияси асосида амалий даволашга тўсқинлик қилмоқда. Жамоат жамғармаси ҳисобида ярим миллион сўмдан кўпроқ пул бор, афсуски, бу ихтисослашган клиника тузиш учун камлик қилади.

Америкалик бизнесменларнинг бири ўз маблағлари билан мамлакатимизда биринчи хусусий Русия-Америка клиникаси қуришга тайёр эканлигини билдирди, унда ракни даволашнинг янги усули кенг фойдаланилган бўларди. Ҳукумат уни ёқлаб чиқади ва бу қизиқарли ташаббусни қўллаб-қувватлайди, деб ишонч билдиргинг келади.

Бошқа яна кўпгина таклифлар ҳам бор. Масалан, асли келиб чиқиши рус бўлган австралиялик фуқаро Николай Коваленкодан ҳозиргина олинган мактубни қаранг. «Совға қилинган 289 ҳаёт» мақолангизни хурсанд бўлиб ва ишонч билан ўқидим,— деб ёзади у,— ниҳоят рак касаллиги билан оғриган кишиларга ёрдам бериш имкони пайдо бўлибди. Фақат хурсандчилик ва ишонч билан чегараланмасликка, қандайдир амалий бир нарса қилишга уриниб кўришга аҳд қилдим. Мақолани кўпайтирдим. Уни инглиз тилига таржима қилишни ташкил этмоқчиман, маҳаллий матбуотда тарқатмоқчиман ва врачларга, госпиталларга юбормоқчиман. Кейинги қадам Австралияда янги усулни қўллаб-қувватловчи халқаро жамоат жамғармасини ташкил этишга уриниш бўлади. Барча мамлакатларда филиаллари бор бўлган халқаро ташкилот барпо этиш лозим. Устав тузиш керак. Халқаро акционерлик жамияти тузиш мумкин. Бунда назорат сармоясининг ками билан 55 фоизи руслар қўлида, Русия давлатида ва русия акцияларини Русиядан ташқарида сотиш ҳуқуқисиз хусусий шахсларда бўлиши лозим. Кейинчалик рак билан оғриганларни халқаро акционерлик жамияти пулига қурилган касалхонада даволаш учун Русияга боришини ташкил этиш мумкин».

Чет элликларнинг Русия мутахассисларининг катта истиқболга эга бўлган ишланмаларига шунчалик катта қизиқиш билан қараётганликлари яхши. Рак муаммоси Ерда яшовчи барча кишиларни ташвишга солаётганлиги тушунарлидир. Шундай экан, бизнинг мамлакатимизда янги усулдан фойдаланишни кенгайтириш бўйича нима қилиняпти? Унчалик тез бўлмаса ҳам иш юришяпти. Русиянинг халқ депутати, Олий Кегашнинг фан ва халқ таълими бўйича комитети аъзоси В. Котельников октябрнинг иккинчи ярмида Русия Федерацияси Президенти Борис Ельцинга хат юборди. Хатда анча катта миллий муваффақият ҳисобланган янги йўналишни қўллаб-қувватлаш илтимос қилинади. «Усул ҳар томонлама синовдан ўтказилди,— ёзади В. Котельников,— бироқ, афтидан, самарали даволаш усулининг таъсирли мухолифлари борга ўхшайди, янгиликни кенг жорий қилиш бўйича дастур қабул қилинишидаги сансалорлик шу билан изоҳланади». Шунингдек «яқинда безорилар ракни даволашнинг янги усули муаллифи В. Гудовнинг уйини ёқиб юборганлари» ҳақида ҳам хабар берилади.

Бу хат бор-йўғи бир неча кун ўтгандан кейин президент идорасидан Русия Федерациясининг кичик бош вазири — фан, олий мактаб ва техникавий сиёсат вазири Б. Г. Салтиковга қуйидаги топшириқ билан юборилди: «Онкологик касалликлар ва СПИДни даволаш соҳасида миллий ютуқларни кенг жорий қилиш масаласини тушуниб олиш ва ахборот бериш илтимос қилинади. Русия халқ депутати В. Котельниковнинг Русия Федерацияси Президентига мурожаатида шу ҳақда гап боради. Натижалари ҳақида муаллифга ҳамда Б. Н. Ельцинга доклад қилиш учун Президент идорасига юборинг». Имзо — В. Семенченко, Русия Президенти идораси мудири. Муддати — 20 ноябргача.

Кичик бош вазир Б. Салтиков Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тиббиёт фанлари академиясига топшириқ берди. Алоҳида хат ихтирочининг дала уйи ёқиб ва йўқ қилиб юборилганлиги муносабати билан прокурорлик ва ички ишлар вазирликларига юборилди.

Даволаш янги усулининг ҳар қандай илғор иш каби, тарафдорлари ҳам, муҳолифлари ҳам бўлади. Шундай бўлса ҳам даҳшатли касаллик билан оғриганларни ундан халос этишнинг янги усулига яқин вақт ичида кенг йўл очиб берилади, деб ишонгинг келади. Инсон ҳаёти бебаҳодир. Тиббиётчилар инсонларни қутқариб қолиш учун барча иғво-фасодларни четга суриб ташлашлари ва биргаликда ишга киришишлари керак. Юз минглаб фожиалар — инсонларнинг рак касалликларидан бевақт ҳалок бўлишларини унутиш мумкин эмас.

Виталий ГОЛОВАЧЕВ,
«Труд»нинг сиёсий шарҳловчиси.
(«Труд», 1992 йил 13 ноябрь).

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

«ТОМОША» ҲАҚИДА ТОМОША

РЕСПУБЛИКА болалар жамғармаси қошида ташкил этилган «Томоша» болалар фольклор дастаси қисқа вақтда кўпчиликка танилди. Шу йил ёзда жамоа ижрочилари ҳатто Туркия сафарида бўлишди.

Шуни айтиш керакки, бизда санъаткор ёшлар дасталари ҳақида қизиқарли фильмлар деярли яратилмаган. Бу ишга илк бор республика давлат телерадиокомпаниясининг «Ўзбектелефильм» студияси ходимлари қўл уришди. Улар мазкур даста ҳақида фильм яратдилар.

1990 йилда халқаро Канн кинофестивалида намойиш этилган «Хивача ажрим» номли ҳазил-мутойибали фильм-концертнинг ижодкори Эдуард Давидов «Томоша» кинокартинасининг муаллифи ва режиссёри бўлди. Фильм республика Киночилар уйида намойиш этилди. Болаларга хос топқирлик, шўхлик ва кулгига бой картина томошабинларга манзур бўлди.

(ЎзА мухбири).



● Шийпон узра таралур наво.

• Янги шеърлар •

ИНТИЗОР

(Қўшиқ)

Йўлларингда қолди кўзим,
Йўлингга зор этдинг, бегим.
Ўргилайин сендан ўзим,
Кимларга хор этдинг, бегим.

Сочларимни занжир қилиб
Оёғингдан боғлаб олай.
Кетиб қолсанг, қалбим тилиб,
Юрагимни доғлаб қолай.

Гуллар тутиб қолди баҳор,
Сен баҳорни ташлаб кетдинг.
Интизорман, кўп интизор,
Сен кўзимни ёшлаб кетдинг.

Келасан деб йўлларингга,
Муштоқ бўлиб ҳар тонг кутдим.
Муҳаббатнинг машаққатли
Йўлларидан кўп бор ўтдим.

Йўлингга зор этма, бегим,
Ҳеч кимга хор этма, бегим!

ЗОР-ЗОР

Хаёлимдан кетмас асло бир умрлик ёру-ёр,
Бу қўшиқда ҳаёт кўрки, ҳаёт завқи бору-бор.
Мен қанчалик яқинлашмай, йироқлашди ёр мендан,
Соғинганим висолига доим қилиб зору-зор.

Юрагимнинг қўшинларин жамлаб кирсам зўр жангга,
Битта қиё боқиб қўйиб, қилиб кетди тору-мор.
Гадо янглиғ эшигида қўлим чўзиб турибман,
Минг маломат бошларимга ёғиб бўлдим хору-хор.

Севги йўли машаққатли ҳар ошиққа осонмас,
Унга кирган одам борки, чиқиб кетиш ору-ор.
О, бу ҳаёт кимга ширин, кимга кенгу ва тотли,
Шоир Тўлқин учун эса бўлиб қолмиш ҳур-Баҳор.

ТЎЛҚИН

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАР

* Такаббурлик ва зулм — улуғликнинг офати, мулойимлик ва тавозе — инсонийлик зийнати, шарм-ҳаё эса унинг энг гўзал либосидир.

СУҚРОТ ҲАКИМ.

Ёмонлик заҳардир, бу заҳарни ема, заҳар еган киши тирикликдан баҳраманд бўлолмайди.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ.

Сўзни яхши билмасдан қилма баён,
Ки қилур сўз барча айбингни аён.

Керак бўлса обрў оламда,
Яхши ахлоқ бўлсин одамда.

АТТОР.

Киши гар дўстидин бўлгай йироқ, бил,
Вафода ундан ит кўп яхшироқ, бил.

ҲИЛОЛИЙ.

Осонликча келмас шодлик, фароғат,
Меҳнатсиз қозонмас ҳеч киши шуҳрат.

ФАХРИДДИМ ГУРГОНИЙ.

Кимдаки ақлдан бирон сатр бор,
Умрин бир лаҳзасин ўтказмас бекор.

УМАР ҲАЙЁМ.

Б. ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

СПОРТ

БОКСЧИЛАР— ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА

● ЎЗБЕКИСТОН боксчиларининг Олмаотада бўлиб ўтган халқаро мусобақадаги иштироқини муваффақиятли дейиш мумкин. Бу ерда ўн тўрт давлат спортчилари беллашдилар. Ўзбекистон боксчилари командаси саккиз вазн тоифасида қатнашди.

Тошкентлик Наримон Султонов 63,5 килограммгача вазнлилар орасида ғолиб чиқди. 91 килограммдан ортиқ вазнлилар орасида Тошкент вилояти вакили Али Москаев иккинчи ўринни эгаллади. Команда иккита бронза совринни қўлга киритди — Тошкент вилояти вакиллари Усмон Сиддиқов билан Комил Тўлаганов ўз вазн тоифаларида учинчи ўринни қўлга киритдилар.

(ЎзА мухбири).

ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТЛАРИ—ХЖТ АЪЗОСИ

ЎЗБЕКИСТОН Журналистлар уюшмаси Халқаро Журналистлар ташкилоти (ХЖТ)нинг тўла ҳуқуқли аъзоси этиб қабул қилинди. ХЖТ Президенти Армандо Ролленберг билан ХЖТ бош котиби Жерар Гатино шундан расмий равишда хабардор қилдилар.

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзолик билетларини айирбошлашга киришилди. Энди ундаги ёзувлар Ўзбекистон давлат тилида ва инглиз тилида бўлади. Янги билетлар биринчи галда фахрийларга, энди халқаро майдонга чиққан ижодий уюшма пойдеворига дастлабки ғиштларни қўйган азиз оқсоқолларимизга топширилади.

Душанба, 30. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Қувноқ сайр». Фильм-концерт.
8.00 «Қора шаҳзода». Бадиий фильм.
9.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Рўзғор ташвишлари».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм. 1—2-сериялар.
18.30 Болалар учун. «Кичкинтой»га хат келди».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қизил Ярмой шуъласи».
19.50 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.30 У. Гажибеков. «Аршин мол-олон». Аброр Ҳидоятов номли Ўзбек драма театрининг спектакли.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Дала ҳовли эгалари учун».

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

20.25 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.05 «Билиб қўйган яхши».
21.20 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
21.35 «Лаҳза». Хабарлар.
21.45 «Мени ўлди десалар ишонма». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Кўринг, тингланг...».
9.40 «Марианнани қўмсаб». Телефильм.
10.30 «Геонлар соҳиби». Мультфильм.
10.45 Ўзбекистон тароналари ва оҳанглари.
11.10 «Янги авлод танлайди».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Брэйн ринг».

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Кидди-Видди».
17.20 «Олис, олисда, Чад кўли ортида». Ҳужжатли фильм.
17.30 «Сиёсат» студияси намойиш этади.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Технодром».
18.35 «Иқболи кулганда».
19.15 «Сиёсат» студияси намойиш этади. «Яшаш ҳуқуқи».
19.45 «Ҳочни бекор қилиш». Телефильм премьераси.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 9-серия.

«Янги студия» таништиради:

22.10 «Бироқ».
22.20 «Таржимаи ҳол».
22.35 «Вазият».
23.00 «Қинғир-қийшиқ эфир».
23.15 «Қаранг-чи, ким кетди!».
23.50 «Ошкоралик хонаси».
00.35 «Мегамикс».
00.55 «Оба-На». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида А—3 форматида босилади. ●

Буюртма — Г-264. Индекс: 64672. Тиражи 31650. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12